
ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ОЛДИДАН “МУРУВВАТ” БОЛАЛАР ИНТЕРНАТ УЙИДА ЯШОВЧИ БОЛАЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун Фарғона шаҳридаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйида бўлиб, бу ерда 253 нафар ўғил-қизларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди.

Бугунги кунда “Мурувват” болалар интернат уйида 147 та ўғил ва 106 қиз болалар тарбияланмоқда. Уларнинг 138 нафари мустақил юриш имкониятига эга бўлса, қолган қисми ўта катта эътиборга муҳтож ётоқ ва эмакловчи болалардир.

“Мурувват” болалар интернат уйи тиббий-ижтимоий муассаса ҳисоблангани учун тиббий ходимлар ва педагоглар ҳамкорликда фаолият юритади. Муассасада жами 275 нафар шифокор, ҳамшира, тарбиячи, психолог, логопед, энага ва бошқа ходимлар фаолият олиб боради.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-30 12:52:58